ИННОВАЦИОН БОЗОР ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Алимджанова Ойдин Нодировна
Бухоро давлат университети
мустақил тадқиқотчиси

Бугунги кунга қадар иқтисодий фанда инновацион бозор хизматлари кўрсатиш соҳаси амал қилиш хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган кўп сонли илмий изланишлар ўтказилган бўлиб, улар натижасида мазкур йўналишдаги турли илмий-назарий қарашлар, услубий ёндашувларнинг шаклланишига эришилган. Олинган натижлар эса миллий ва глобал даражада инновацион бозор хизматлари кўрсатиш соҳаси амал қилишининг тегишли қонуниятлари, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш имкониятини беради. Янги Ўзбекистон ислоҳотлари шароитида миллий иқтисодий муносабатлар тизимини глобал тизимлар, жумладан, халқаро стандартлар тизимига интеграциялашга устуворликнинг оширилиши мамлакатда ҳам инновацион бозор хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш заруриятини вужудга келтиради. Ушбу ҳолат иқтисодий фанда инновацион бозор хизматлари кўрсатиш амалиётига бағишланган илмий назарий қарашларни чуқур таҳлил қилиш асосида соҳани шакллантириш ва ривожлантириш имкониятларини аниқлаш заруриятини оширади.

Классик иқтисодий ёндашувларни таҳлил қилиш натижасида бозор иқтисодий тизими амал қилишида кўрсатиладиган инфратузилма хизматлари уларнинг натижавий аҳамиятидан келиб чиқиб ўзаро фарқ қилиши аниқланди. Яъни, ижтимоий хизматлар асосан бозор иқтисодий тизимининг амал қилиши шароитида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг яшаш шарт-шароитлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган тартибда ташкил этилади. Бозор хизматлари эса, асосан иқтисодий фаолият юритиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратишга қаратилган бўлиб, нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки жамиятнинг ҳар бир аъзосининг эркин фаолият юритиши асосида юқори даромад олиш имкониятларини кенгайтириши керак бўлади, деган хулосага келинди. Шу билан биргаликда, бозор ва ижтимоий хизматлар кўрсатииш соҳаси бозор иқтисодиёти шароитида бир вақтнинг ўзида ўзаро мутаносибликда, тўғри ташкил этилиши мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш имкониятларини кенгайтиради.

Шу билан биргаликда, инновацион бозор хизматлари кўрсатиш амалиётининг назарий асослари шаклланишида уни ташкил этиш, амалга ошириш технологияси билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни, жумладан, хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш орқали унинг юқори самарадорлигини таъминлаш имконини берувчи “инновацион иқтисодиёт”, “билимлар иқтисодиёти”, “рақамли иқтисодиёт”, ҳамда “яшил иқтисодиёт” каби концепцияларнинг аҳамияти сезиларли даражада баланд ҳисобланади. Ушбу концептуал қарашлар асосида бозор хизматлари кўрсатиш амалиётининг техник-технологик хусусиятлари билан боғлиқ ўзгаришлар кўзга ташланганлигини инобатга олиб, уларни умумий ҳолда инновацион бозор хизматлари кўрсатишнинг технологик ёндашувлари сифатида баҳолашни лозим топдик. Ушбу концепцияларни умумий ҳолда технологик ёндашувлар сифатида баҳолашимизда, М. Портернинг “беш рақобатбардошлик кучлари”[1] назариясининг замонавий бозор иқтисодиёти шароитида амал қилиши, ҳамда М. Кнелл[2] томонидан технологик революцияни “яшил иқтисодиёт” билан “рақамли трансформация” жараёнлари ўртасидаги ўзаро алоқадорликка асосланган ҳолда тушунтиришга бағишланган тадқиқоти натижаларига таянилди.

Умуман олганда, замонавий иқтисодий муносабатлар тизимида бозор хизматлари кўрсатишда инновацион лойиҳалардан фойдаланилиши, жумладан, технологик инновацияларни жорий этилиши, шунингдек, хизматлар кўрсатишни ташкил этишда информацион технологиялар (ИТ) индустрияси маҳсулотлари, хусусан, интернет ашёлари (IoT – Internet of Things), сунъий интеллект (AI – Artificial Intelligence) асосида нейронлаштирилган тизимлари, ҳамда рақамли трансформация жараёнларини кучайтириш ҳисобига хизматлар кўрсатишда рақамли дастурлардан фойдаланиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Бу эса бозор хизматлари кўрсатиш амалиётидаги технологик жараёнларнг такомиллашуви ҳисобига, хизматлар кўрсатишнинг самарадорлиги ортишига шароит яратмоқда.

Шунингдек, инновацион бозор хизматлари кўрсатиш соҳасининг ривожланиши билан боғлиқ назарий қарашларни таҳлил қилишда М. Рожерснинг “инновацияларнинг тарқалиши”[3] тўғрисидаги илмий қарашларига эътиборни қаратдик. Ушбу илмий назария инновацияларнинг бозорга кириб бориши, унинг тарқалиши, ҳамда маънавий эскириши билан

[1] Loredana E. M. Porter’s Cpmpetitive Forces. Annals of the “Constantin Brâncuşi” University of Târgu Jiu, Economy Series, Issue 4/2024. – pp. 142-146
[2] Knell M. Technological Revolution and the Co-evolution of Green and Digital Transformation Processes: Tapping the Potential of Diversified Energy Networks. Journal of Innovation Economics & Management No. 3, October, 2024. – pp. 31-55
[3] Chen R. A Study Applying Roger’s Innovation Diffusion Theory on the Adoption Process of New Teaching Methods in Secondary Education. Research and Advanced in Education. No. 2, Vol. 3, Feb. 2024. – pp. 6-10

боғлиқ бўлган инновациянинг ҳаётийлик даврини баҳолашга қаратилганлиги билан характерланиб, илмий назария инновациянинг оммалашуви жараёнини тушунтириб, инновацион бозор хизматлари потенциал бозор талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган бўлса, юқори самарадорликка эришиш имкониятларини яратади, деган хулосага келиш имконини берди. Таҳлилларга кўра, инновацияларнинг тарқалишини таъминлашда бозордаги инновацион бозор хизматларига бўлган потенциал талабга асосланиши кераклигини инобатга олиб, Ф. Котлернинг "маркетинг назарияси"[4]да бозор талабини баҳолаш ва унга мос хизматлар кўрсатишни ташкил этиш билан боғлиқ жараёнлар тўғрисидаги қарашларини ҳам инобатга олишни лозим топдик. Бу эса ушбу гуруҳга, яъни бозордаги потенциал талабга мос келадиган инновацион бозор хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш ҳисобига бу турдаги хизматларнинг кенг тарқалишини таъминлашга қаратилган илмий қарашлар мансуб эканлигини кўрсатади. Шу сабабли ушбу гуруҳни инновацион диффузия-маркетинг ёндашувлари гуруҳи деб номлашни лозим топдик. Таҳлилларга кўра бу турдаги илмий қарашлар учун инновацион бозор хизматларидан фойдаланиш бўйича бозордаги истеъмолчиларнинг потенциал талабларини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини баҳолаш ва уни талаб даражасида такомиллаштириш асосида уларнинг бозорда кенг тарқалишини таъминлаш каби хусусиятлар хос эканлиги аниқланди.

Инновацион бозор хизматларини кўрсатишда давлат ва нодавлат институтлари иштирок этишини инобатга олиб, Д. Нортнинг "институционал назияси"[5]га эътиборни қаратдик. Унга кўра, бу турдаги илмий қарашларда инновацион хизматлар кўрсатиш соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлат сиёсати, регуляторлик механизмлари, ҳамда, соҳада давлат ва хусусий шерикликнинг амал қилиш йўналишлари билан боғлиқ жиҳатлари (4-расмга қаранг) таҳлил қилинади. Умуман олганда, институционал ёндашувларда инновацион бозор хизматларини кўрсатиш соҳасини тартибга солишдаги қонунчилик базаси, унда иштирок этадиган институтларнинг функциялари билан мазкур тармоқ хусусиятлари тушунтирилади. Яъни, бозор инфратузилмаси таркибига кирувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари функциялари ҳамда улар фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий-институционал асосларида ўз аксини топади.

Иқтисодий фанда инновацион бозор хизматлари кўрсатиш амалиётини ривожланишига бағишланган илмий қарашларнинг турли гуруҳлар кесимидаги таҳлили ҳар бир гуруҳга мансуб бўлган илмий назариялар мазкур соҳани ўз

[4] Kotler Ph. Armstrong G. Principles of Marketing: Seventeenth Edition. Pearson Education Limited, 2018. – 734 pages.
[5] Faundez J. Douglass North's Theory of Institution: Lessons for Law and Development. SSRN Electronic Journal. January, 2014. – pp. 1-48. DOI: 10.2139/ssrn.2493052

нуқтаи назаридан янгиликларини баҳолаши аниқланди. Шунингдек, инновацион бозор хизматларини кўрсатиш амалиётини тушунтиришга қаратилган илмий қарашларнинг классик, технологик, инновацион диффузия-маркетинг, ҳамда, интитуционал ёндашувларини уларнинг камчиликлари, афзалликлари ва тадқиқот соҳалари каби мезонлар кесимидаги қиёсий таҳлилини ўтказиш асосида қуйидаги умумлаштирилган хулосаларни олишга эришилди:

биринчи, инновацион бозор хизматлари кўрсатиш амалиётини тушунтиришга қаратилган ҳар бир илмий ёндашув тегишли тартибда, тадқиқот объекти ва предметидан келиб чиқиб тегишли тартибда афзаллик ва камчиликларга эга ҳисобланади. Шу билан биргаликда, маълум бир гуруҳга мансуб бўлган ёндашувга асосланган ҳолда инновацион бозор хизматлари кўрсатиш амалиётини тадқиқ этиш унинг чуқур моҳияти ва заруриятини асослаш учун етарли бўлмайди. Бу эса тадқиқот услубиётини шакллантиришда ёндашувларни тўғри белгилаб олиш зарурриятини оширади;

иккинчи, юқорида келтириган тартибда инновацион бозор хизматлари кўрсатиш амалиётини тушунтиришга қаратилган илмий назарияларнинг гуруҳланиши ушбу соҳани комплекс тадқиқ этиш имкониятини яратади. Яъни, инновацион бозор хизматлари кўрсатиш амалиётини чуқур ва тизимли равишда тадқиқ этишда бир вақтнинг ўзида классик, технологик, инновацион диффузия-маркетинг, ҳамда, интитуционал ёндашувлардан ўзаро мутаносибликда фойдаланиш асосида умумлаштирилган хулосаларни шакллантириш талаб этилади;

учинчи, ўтказилган тадқиқотлар асосида инновацион бозор хизматлари иқтисодий категориясига қуйидагича муаллифлик ёндашувини шакллантиришга эришилди: инновацион бозор хизматлари – бу мамлакат миллий иқтисодиёти тармоқларининг инновацион ривожланганлик даражасига мос келадиган ва унда юқори даражада ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда истеъмолчиларнинг потенциал талабларига мос келадиган бозор инфратузилмаси таркибига кирувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан мамлакатдаги қонунчилик доирасида кўрсатиладиган янги турдаги инновацион хизматлар ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Loredana E. M. Porter’s Cpmpetitive Forces. Annals of the “Constantin Brâncuşi” University of Târgu Jiu, Economy Series, Issue 4/2024. – pp. 142-146
2. Knell M. Technological Revolution and the Co-evolution of Green and Digital Transformation Processes: Tapping the Potential of Diversified Energy Networks. Journal of Innovation Economics & Management No. 3, October, 2024. – pp. 31-55

3. Chen R. A Study Applying Roger's Innovation Diffusion Theory on the Adoption Process of New Teaching Methods in Secondary Education. Research and Advanced in Education. No. 2, Vol. 3, Feb. 2024. – pp. 6-10
4. Kotler Ph. Armstrong G. Principles of Marketing: Seventeenth Edition. Pearson Education Limited, 2018. – 734 pages.
5. Faundez J. Douglass North's Theory of Institution: Lessons for Law and Development. SSRN Electronic Journal. January, 2014. – pp. 1-48. DOI: 10.2139/ssrn.2493052